

**Ўзбекистон Республикаси номидан**  
**ХУКМ**

2019 йил декабрь ойининг 19-куни, Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти Деҳқонобод туман бўлими биносида, сайёр очик суд мажлисида, шу суднинг раиси М.Маликовнинг раислигида, И.Холмирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Деҳқонобод туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Равшанов, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари [REDACTED] ва [REDACTED], жабрланувчилар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-“Адолатпарвар ҳақиқат” адвокатлик фирмаси адвокати Ю.Хандаловнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган [REDACTED] га оид 1-1806-1901149-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED]-19 [REDACTED] йил [REDACTED] март куни Деҳқонобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишламайди, Деҳқонобод тумани, “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] қишлоғида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида 10.000.000 сўм гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 9 ноябрь куни олган.

Суд судланувчи, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, жиноят ишида мавжуд далилларни тегишлигича баҳолаб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

[REDACTED] 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Нексия” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинани Деҳқонобод тумани, [REDACTED] МФЙ ҳудудидан ўтган автомобиль йўли бўйлаб “[REDACTED]-[REDACTED]” йўналиши бўйича спиртли ичимликдан маст ҳолда ҳаракатланиб келиб, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасдан амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 2-банди талабига кўра Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, бу талабни кўпол равишда бузиб ҳаракатланиб, бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланиб келаётган [REDACTED] [REDACTED]нинг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинанинг йўлига чиқиб кетиб, автомашинанинг олд қисмига бошқарувидаги автомашинанинг ўнг олд томони билан урилиб, тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, натижада бошқарувида бўлган транспорт воситасида йўловчи сифатида келаётган [REDACTED] [REDACTED]нинг ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст олиб ўлишига, автомашинасидаги йўловчилар [REDACTED], [REDACTED] [REDACTED] ва «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашина ҳайдовчиси [REDACTED]нинг ўртача оғир

шикаст ва унинг автомашинасидаги йўловчи [REDACTED] нинг энгил шикаст олишига ҳамда «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинага 15.708.632 сўмлик моддий зарар етишига сабаб бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг:-

03.10.2019 йилдаги 269-Мурда-сонли хулосасида [REDACTED] нинг ўлимига олиб келган кўшма шикастланиш, очиқ калла мия шикастланиши, бош юмшоқ тўқималари остига, мия пардалари юзаларига, калланинг тепа, чакка, энса суякларининг ёрилиб асосга ўтиб синиши, ўнг томонлама отогемолеквория, кўкрак кафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ шикастланиши, тўш суягининг чап томон қовурғалар бирикиш соҳасидан ёпиқ синиши, ўнг томондан 2,5-қовурғаларни, чап томондан 4,5,6,7,8-қовурғаларни ёпиқ синиши, чап ўпка юқори бўлаги, жигар ва чап томонлама диафрагманинг эзилиб йиртилган яралари, ўпкаларни оралик юзалари ва илдиз қисмини қон қуйилишлари, ташқи қон кетиш кўринишидаги ҳаёт учун хавфли бўлган оғир жароҳатлар йўл-транспорт ҳодисаси натижасида келиб чиққани инкор этилмаслиги;

25.09.2019 йилдаги 217|33-Д-Хўж.Хуж-сонли хулосасида [REDACTED] нинг жароҳатлари чап томонлама 2-3-4-қовурғаларни ёпиқ синиши, ёпиқ калла мия шикастланиши, бош миянинг чайқалиши, танада кўплаб қонталаш ва шилинмалар кўринишида бўлиб, оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир шикаст гуруҳига киритилиши;

25.09.2019 йилдаги 222|35-Д-Хўж.Хуж-сонли хулосасида [REDACTED] нинг жароҳатлари ўнг умров суягининг очиқ синиши кўринишида бўлиб, оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир шикаст гуруҳига киритилиши;

25.09.2019 йилдаги 223|36-Д-Хўж.Хуж-сонли хулосасида [REDACTED] нинг жароҳатлари ёпиқ калла мия шикастланиши, бош миянинг чайқалиши, ўнг қўл билак суяги ўрта учлигидан ёпиқ синиб силжиши, бошнинг ўнг чакка, чап ёноқ соҳаларида эзилиб йиртилган яралари ва шилинмалари кўринишида бўлиб, оғирлик даражаси бўйича ўртача оғир шикаст гуруҳига киритилиши;

24.09.2019 йилдаги 216|32-Д-Хўж.Хуж-сонли хулосасида [REDACTED] нинг жароҳатлари ёпиқ калла мия шикастланиши, бош миянинг чайқалиши, бошни пешона, бурун соҳаларини эзилиб йиртилган яралари, танада кўплаб шилинмалари кўринишида бўлиб, оғирлик даражаси бўйича соғликни қисқа муддатга, яъни олти кундан кўп, аммо йигирма бир кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёмонлашуви сабаб бўлган энгил шикаст гуруҳига киритилиши ва ва улар ушбу жароҳатларни йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олгани инкор этилмаслиги;

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Қашқадарё вилоят филиалининг 2019 йил 29 сентябрь кундаги 2848|13; 2849|13; 2850|13-сонли хулосасида ушбу йўл-транспорт ҳодисаси вазиятида «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 2-банди талабига зид бўлганлиги, ушбу йўл-транспорт

ҳодисаси натижасида «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинага 15.708.632 сўм моддий зарар етгани кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда ўзининг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинани Дехқонобод тумани, [REDACTED] МФЙ ҳудудидан ўтган автомобиль йўли бўйлаб «[REDACTED]-[REDACTED]» йўналиши бўйича бошқариб келиб, йўлнинг [REDACTED] қишлоғи ҳудудидан ўтган қисмида 400 метрча узокликда бир автомашина ўзининг йўлида тўхтаб тургандек кўрингани учун яқин қолганида ўша автомашинани айланиб ўтмоқчи бўлиб автомашинани қарама-қарши йўналишда бошқара бошлагани, шунда ҳалиги тўхтаб тургандек бўлган автомашина ўзининг йўлига ҳаракатлангани, оралиқ масофа жуда яқин бўлгани учун автомашинасини ўз йўлига олиб қоча олмагани, натижада тўхтаб тургандек кўринган [REDACTED]нинг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинанинг олд томонига бошқарувидаги автомашинанинг ўнг олд томони билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилгани, натижада автомашинасида йўловчи сифатида келаётган [REDACTED] оғир жароҳат олиб вафот этгани, йўловчилари [REDACTED] ва [REDACTED], «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашина ҳайдовчиси [REDACTED] ва унинг автомашинасидаги йўловчи [REDACTED] жароҳат олишгани, ЙТХга қадарли ошхонада [REDACTED] иккиси бир шиша ароқ ичишмагани, терговда адашиб спиртли ичимлик ичгани ҳақида нотўғри кўрсатув бергани, ЙТХнинг келиб чиқишига эҳтётсизлиги сабаб бўлгани, судда жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчилар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED]нинг ўзига нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчи [REDACTED]га етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаш учун моддий имконияти етмаслиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан қонуний энгиллик беришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судда, воқеани кўрмагани, [REDACTED] томонидан 2018 йил [REDACTED] куни содир этилган ЙТХ натижасида ўғли [REDACTED] вафот этгани, [REDACTED] кечирим сўрагани, марҳумнинг дафн маросимлари ва бошқаларга кетган харажатларни судланувчи қоплагани ҳақида кўрсатув бериб, суддан [REDACTED]га нисбатан қонуний энгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда ўзининг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинани [REDACTED]-[REDACTED] йўналиши бўйича бошқариб келаётганида йўлнинг [REDACTED] қишлоғи ҳудудидан ўтган қисмида қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган [REDACTED]нинг бошқарувидаги «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашина қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, бошқарувидаги автомашинанинг олд томонига урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилгани, натижада ўзи ва автомашинасида йўловчи сифатида келаётган укаси [REDACTED] жароҳат олишгани, автомашинасига моддий зарар етгани, соғлиғига етказилган моддий ва маънавий зарарлардан воз кечиши ҳақида кўрсатув бериб,

автомашинасига етказилган зарарни ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тўлаб бера олмаётган ойлик автомашина ижара пулларини [REDACTED] дан ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда акаси [REDACTED] бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинада йўловчи сифатида келаётганида, йўлнинг [REDACTED] қишлоғи ҳудудидан ўтган қисмида қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган [REDACTED] нинг бошқарувидаги «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашина йўлнинг носозроқ жойини айланиб ўтмоқчи бўлиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, акасининг бошқарувидаги автомашинанинг олд томонига урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилгани, натижада ўзи ва акаси [REDACTED] жароҳат олишгани, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлардан воз кечиши ҳақида кўрсатув бериб, суддан [REDACTED] га нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] судда, жабрланувчи [REDACTED] ўғли экани, [REDACTED] нинг айби билан содир бўлган ЙТХ оқибатида ўғли [REDACTED] нинг ўнг умров суяги сингани, ҳозирги пайтда ўғли [REDACTED] Тошкент шаҳрида экани, соғлиги анча тикланиб қолгани, ЙТХда айбдор бўлган [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан [REDACTED] га нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] терговда, 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда [REDACTED] нинг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинада йўловчи сифатида келаётган бўлгани, орқа ўриндикда бўлиб, чарчагани учун бироз кўзи илингани, бир пайт ўзлари келаётган автомашина бир нарсага урилганини, кейин нима бўлганини эслайолмаслиги, ҳушидан кетгани, тез тиббий ёрдам машинасида ўзига келгани ва ЙТХга учраганларини билгани, ЙТХ оқибатида ўнг умров суяги сингани, шу куни Бешбулоқ қишлоғидаги ошхонада ўтиришганларида [REDACTED] ва [REDACTED] бир шиша ароқ ичишгани, ўзи ва [REDACTED] эса ичмагани ҳақида кўрсатув берган.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2019 йил [REDACTED] куни соат 21:30ларда [REDACTED] нинг бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинада йўловчи сифатида келаётган бўлгани, орқа ўриндикда бўлиб, чарчагани учун бироз кўзи илингани, бир пайт ўзлари келаётган автомашина бир нарсага урилиб, йўл четидаги чуқурликка ағнаб қолгани, автомашинадан бир амаллаб чиққани, шунда ўзлари келаётган автомашина сариқ рангли «Нексия русумли автомашинага урилганини билгани, ЙТХ оқибатида ўнг кўли сингани, бошидан ҳам жароҳат олгани, шу куни Бешбулоқ қишлоғидаги ошхонада ўтиришганларида [REDACTED] ва [REDACTED] бир шиша ароқ ичишгани, ўзи ва [REDACTED] эса ичмагани, ЙТХда айбдор бўлган [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан [REDACTED] га нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

███нинг айби юқорида баён қилинган кўрсатувлардан ташқари, жиноят ишидаги ёзма далиллар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар, судга оид автотехника ва суд тиббий экспертизаларининг хулосалари, ███нинг алкоғолли ичимликдан мастлиги аниқлангани ҳақидаги тиббий баённома, шунингдек, жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ҳам исботланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан ███нинг транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, одам ўлишига сабаб бўлганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги” белгиланган.

Шу кодекснинг 8-моддасида “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши” кўрсатилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 25-бандида судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги белгиланган.

Суд, ███га жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни мастлик ҳолатида содир қилгани айбини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд судланувчига жазо тайинлашда ҳаракатидаги енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда, унинг шахси ижобий тавсифлангани, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлиги, унинг судланувчига нисбатан енгиллик беришни сўраб тургани содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи

ҳолатлар деб ва Қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда юқорида қайд этилган Олий Суд Пленумининг Қарорларидаги тушунтиришларга таяниб, судланувчига ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, шу модда санкциясида назарда тутилган жазога нисбатан бошқа енгилроқ турдаги, яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унинг сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклашни, унинг зиммасига алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик ва Деҳқонобод туман ҳудудидан чиқмаслик қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклашни, содир этилган жиноят оқибатида одам ўлими юз бергани ҳамда уч киши ўртача оғир даражада жароҳат олганини ҳисобга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳам тайинлашни, жазоларни ижро этишни Деҳқонобод туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, қўшимча жазони ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, асосий жазо муддатини эса у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни лозим деб топади.

Суд, [ ]нинг эҳтиёт чораси гаровни ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиб, гаров учун қўйилган 10.000.000 сўмни гаров қувовчи [ ]га қайтаришни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари [ ] ва [ ], жабрланувчилар [ ], [ ] ҳамда [ ]нинг судланувчига нисбатан даввоси йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Шунингдек, [ ] содир этган жиноят оқибатида [ ] бошқарувида бўлган «Нексия» русумли [ ] давлат белгили автомашинага 15.708.632 сўм моддий зарар етган, шунингдек [ ] томонидан тақдим этилган ижара шартномасига кўра [ ] сўмдан сентябрь-декабрь ойлари учун тўланиши лозим бўлган жами [ ] сўм йўловчи ташиш учун автомашина ижара тўловини автомашинага шикаст етгани натижасида тўлаш қобилияти йўқолган бўлиб, [ ] ўзининг соғлиғига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришдан воз кечиб, автомашинага етказилган зарарни ҳамда ижара тўлови пулларини ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Шу сабабли автомашинага етказилган 15.708.632 сўм ҳамда автомашина ижараси учун ҳисобланган 1.920.000 сўмни [ ]нинг фойдасига судланувчи [ ]нинг ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Иш бўйича манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича келгусида фуқаролик суд ишларини

юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлигини тушунтириб, шундай ҳуқуқларини очикда қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 13, 454-457, 459-460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан Жиноят кодексининг 45,57-моддаларини қўллаб, 2 (икки) йил 6 (олти) ойга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

нинг зиммасига;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик ва Деҳқонобод туман ҳудудидан чиқмаслик қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

Жазоларни ижро этиш Деҳқонобод туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва қўшимча жазо муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, асосий жазо муддати эса у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

нинг эҳтиёт чораси гаров ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров учун қўйилган 10.000.000 сўм гаров қуювчи га қайтарилсин.

Жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари ва жабрланувчилар , ҳамда нинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Иш бўйича судланувчи нинг ҳисобидан жабрланувчи нинг фойдасига 17.628.632 сўм моддий зарар ундирилсин.

Иш бўйича манфаатдор тарафларга ўзларига етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилиб, шундай ҳуқуқлари очикда қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчиларнинг қонуний вакиллари ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик этувчи:**

**М.Маликов**